

Ислон тамаддуни европада



13:00 / 13.06.2021 2370

Аллоҳ таолонинг охирги ва мукамал дини, қиёматгача боқий қолувчи дини, барча замонлар ва маконларда инсониятга икки дунё саодат йўлини кўрсатиб берувчи дини Ислонга ихлос билан амал қилган биринчи авлодига мансуб мусулмонларнинг ҳарактлари билан дунёни тубдан ўзгартириб юборган Ислон тамаддунининг порлоқ зиё ва нурлари ўрта асрлар зулматидаги европага ёриқлик таратган эди. Европаликлар асосан ўзларининг жуғрофий қўшинлари бўлмиш Андалусия ва Сақаллия (Сицилия) мусулмонлари орқали Ислон тамаддуни сарчашмаларидан илм – маърифат, маданият ва гўзал ҳаёт кечириш ҳамда бошқа кўпгина керакли нарсалар ҳақида хабардор бўлдилар.

Ушбу улкан ҳақиқатни кўпчилик илм эгалари яхши биладилар. Жумладан, европалик инсофли илм соҳиблари ҳам бўладилар. Улардан шотландиялик олим Уильям Монтгомери Уотт, франциялик олим ва тарихчи Гюстав Лебон, россиялик олимлардан академик В.В. Бартольд ва бошқалар бу ҳақида ўз фикрларини ҳаммага илмий ҳақиқат сифатида айтганлар ва илмий асарларида ёзганлар. Баъзилар эса, бу борада алоҳида китоблар ҳам ёзганлар.

Аммо ушбу ҳақиқат фақат тор доирадаги кишиларгагина маълум, кўпчилик уни билмайди. Энг афсусланарлиси, мазкур ҳақиқатни кўпчиликка билдирилмайди. Ушбу ҳолат туфайли кўпчилик европанинг бугунги кундаги илм ва технология соҳидаги ютуқлари ўз-ўзидан рўёбга келган деб тушунадилар.

Шунинг учун ҳам унга юқоридаги «Исломий тамаддуннинг европага кириши ва сингиши» деган номни танладик. Аслида бу ном диншунослик фанлари номзоди Роман Викторович Овчаренконинг мақоласига қўйилгандир. Жаноб Овчаренко арабшунос бўлгани учун ўз мақоласида (араб) сўзини асос қилиб олган. Аммо биз бу сўзни «Ислом» деб тушинишга одатланиб қолганмиз.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди